



THE ROLE OF THE CONTINUOUS EDUCATION SYSTEM IN THE DEVELOPMENT OF AN INDIVIDUAL'S ECOLOGICAL CULTURE IN SOCIETY

Abdullatif Abidjanovich Abdumalikov

Associate Professor of Fergana State University

Doctor of Philosophy in Philosophy (PhD), Professor

Fergana, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: environmental culture, environmentally conscious activity, environmental problems, rationality, the system of nature–society relations, social responsibility, environmental consciousness, social ecology.

Abstract: This article explores the social significance of developing environmental education within the system of human–nature relations. It also analyzes the priority tasks of forming environmentally conscious activity based on the advancement of environmental education.

Received: 10.11.25

Accepted: 11.11.25

Published: 12.11.25

ЖАМИЯТДА УЗЛИКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ШАХС ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТИ ЮКСАЛИШИДАГИ РОЛИ

Абдулатиф Абиджанович Абдумаликов

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) профессор

Фарғона давлат университети доценти

Фарғона, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: экологик маданият, экологик онгли фаолият, экологик муаммолар, оқилоналик, табиат ва жамият муносабатлари тизими, ижтимоий масъулият, экологик онг, ижтимоий экология.

Аннотация: Мазкур мақолада инсон ва табиат муносабатлари тизимида экологик таълимни ривожлантиришнинг ижтимоий аҳамияти тадқиқ этилган. Шунингдек, экологик таълимни юксалтириш асосида экологик онгли фаолиятни шакллантиришнинг устувор вазифалари таҳлил қилинган.

РОЛЬ СИСТЕМЫ НЕПРЕРЫВНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В ПОВЫШЕНИИ ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ ЛИЧНОСТИ В ОБЩЕСТВЕ

Абдулатиф Абиджанович Абдумаликов

Доцент Ферганского государственного университета,
Доктор философии по философским наукам (PhD), профессор
Фергана, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: экологическая культура, экологически сознательная деятельность, экологические проблемы, рациональность, система отношений природы и общества, социальная ответственность, экологическое сознание, социальная экология.

Аннотация: В данной статье исследовано социальное значение развития экологического образования в системе отношений «человек – природа». Также проанализированы приоритетные задачи формирования экологически сознательной деятельности на основе совершенствования экологического образования.

Ўзбекистоннинг янги таракқиёт босқичида таълим соҳасида амалга оширилаётган изчил ва узлуксиз, инновацион ўзгаришлар экологик ислохотларни амалга оширишни ҳам тақозо этади. Малакали кадрларни тайёрлаш соҳасидаги ислохотлар бутун жаҳон андозаларига мос равишда ижодий ёндошувни талаб қилмоқда. Ўзбек халқи аждодлар миллий мероси ва кадриятлар, анаъаналари, урф-одатларига таяниб табиатга муносабат маданиятини шакллантирган. Жаҳондаги етакчи илмий марказлар ва университетларда халқлар этноэкологияси, этноэстетик муносабатларининг табиат ва инсон муносабатларини уйғунлаштириш, экологик онг ва маданиятнинг жамиятда акс этиши масаласи бўйича илмий-назарий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда 60 млн аҳолига эга Марказий Осиёдаги энг катта муаммолардан бири – Оролнинг қуриши ҳисобланади. Бу ҳудуднинг барқарор ижтимоий, иқтисодий ривожланиши, аҳолининг саломатлиги учун хавф солмоқда [16]. Шу сабабли республикада экологик маданиятга доир таълим-тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишлари фаолиятини такомиллаштириш билан бир қаторда ўзбек халқи экологик кадриятларини тиклаш ва ривожлантириш тенденцияларининг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш имкониятларининг назарий методологик ва амалий жиҳатларини чуқурлаштириш, асослаш объектив зарурат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-сон Фармонига биноан 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида қарорида мамлакатимизда атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, санитария ва экологик ҳолатни яхшилашни таъминлаш соҳасида аниқ вазифалар белгилаб берилди [17]. Ушбу тарихий ҳужжатда аҳолининг экологик маданиятини шакллантириш, атроф муҳитни

муҳофаза қилиш соҳасида давлат органлари фаолиятининг шаффофлик даражасини ошириш ва фуқаролик жамиятининг ролини кучайтириш, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Ўзбекистон Экологик партияси билан биргаликда ёшларда атроф муҳитга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлишни маданиятини юксалтириш, табиий ресурсларни химоялаш, ҳаво, сув ва тупроқ ифлосланишига, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига зиён етказилишига йўл қўймасликка қаратилган жараёнларни янада жадаллаштириш вазифалари белгиланган.

Республикамизда барқарор ижтимоий иқтисодий ривожланишни таъминлашда мавжуд табиий ресурслардан илмий асосда фойдаланиш, ҳар бир ҳудуднинг табиий шароитига ҳамда шаклланган анъаналарига мос келадиган ва уларнинг имкониятларидан унумли фойдаланишга шароит яратадиган ишлаб чиқариш тармоқларини оқилона бошқаришда бўлғуси кадрларнинг экологик маданияти муҳим стратегик аҳамият касб этади. Зеро, келажак юқори малакали мутахассисларнинг маънавий маданияти даражасига бевосита боғлиқдир. «Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да «атроф-табиий муҳит, аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган экологик муаммоларнинг олдини олиш»[1] юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, аҳолининг табиатдан фойдаланиш тажрибалари асосида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва ижтимоий-экологик муаммоларни ечимига йўналтирилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади. Бунда айниқса, таълим тизими имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда ёш авлод, хусусан бўлғуси магистр ва бакалаврларда экологик маданиятни шакллантириш ва юксалтириш ижтимоий аҳамият касб этади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш, жумладан, Париж битими мажбуриятлари бажарилишини мақсадида 2019 йил 4 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПҚ-4477-сон Қарори қабул қилинди.

Ушбу Стратегиядан кўзланган мақсад мамлакатда амалга оширилаётган тузилмавий ислохотларга “яшил” иқтисодиёт тамойилларини интеграция қилиш орқали ижтимоий, иқтисодий ривожланишга, иссиқхона газларининг атмосферага тарқалиш даражасини пасайтиришга, экология барқарорлигини таъминловчи мустаҳкам иқтисодий тараққиётга эришишдан иборат.

2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил иқтисодиёт”га ўтиш стратегиясининг тўртта устувор йўналишлар белгиланган бўлиб асосий эътибор энергия самарадорлигини ошириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини ўзлаштириш, иқлим

ўзгаришлари оқибатларига мослашиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, “яшил” иқтисодий ривожлантиришнинг иқтисодий механизмларини ишлаб чиқишга қаратилганлигини кузатиш мумкин.[2]

Стратегияда белгиланган биринчи устувор йўналиш бўйича иқтисодийнинг базавий тармоқларида энергия самарадорлигини 2030 йилга қадар 2 баравар ошириш вазифаси қўйилган. Жумладан, ушбу мақсадга саноат корхоналари инфратузилмасини модернизациялаш, соф ва экологик хавфсиз технологиялар ва саноат жараёнларидан янада кенг фойдаланиш ҳисобига энергия самарадорлигини 20%дан кам бўлмаган миқдорга ошириш, мотор ёқилғиси ва автотранспорт воситалари ишлаб чиқаришни энергия самарадорлик ва экологик жиҳатдан яхшилаш, электр транспортни ривожлантириш ҳисобига эришиш режалаштирилган

Ижтимоий-экологик муаммолар ечимида замонавий инновацион ёндашувлар билан бир қаторда маҳаллий аҳолининг табиатдан фойдаланиш анъаналарига асосланган экологик ёндашувнинг аҳамияти ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев шундай ёзади: «Халқларимизнинг табиатга унинг бойликларини асраб-авайлаган ҳолда муносабатда бўлиш ва умумий сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш борасида кўп асрлик анъаналарига суянган ҳолда биз ҳақиқатан ҳам улкан натижаларга эришамиз»[3]. Бунинг асосий омилларидан бири эса олий ўқув юртлари талабаларида экологик муаммоларга қаратилиши лозим бўлган умумдунёқараш малакасини шакллантиришдир. Ҳозирда олий ўқув юртлари дастурлари экология предметини яхлит, фикрлашнинг экологик услубини, экологик дунёқарашни қарор топтиришга ва шу асосда талабаларнинг эгаллайдиган касблари билан боғлиқ махсус экологик тайёргарликни таъминлашга йўналтирилган бўлиши лозим»[4].

Илмий фалсафий мавзудаги адабиётларда этноэкология экология бошқа фанлардан фарқли ўлароқ, «аниқ белгиланган объектга эмас, балки ҳозирги барча билимлар ва умуман маданиятга йўғрилиб кетган. Шу боис уни алоҳида фанлар доирасида ўқитиш билан мақсадга эришиб бўлмайди. Мазкур ўзига хос умумилмий ёндашувдан мақсад ўрганилаётган ҳар қандай объект ва уни ўраб турган муҳитнинг ўзаро алоқаларини ўрганишдир. Шундай қилиб, экологик фанларнинг хусусияти уларнинг методологик ўзига хос йўналганлигидадир. «Экологик фанлар тизимли мониторингсиз, эмпирик ва илмий асосланган кузатувларсиз мавжуд бўла олмайди. ЮНЕСКОнинг «Инсон ва биосфера» Дастурига мувофиқ экологик мониторинг деганда кузатувларнинг мажмуавий тизими, биосфера ҳолатининг табиий ва антропоген омиллар таъсири остидаги ўзгаришларининг баҳоси ва башорати тушунилади» [5].

Жамият тараққиётининг янги босқичида олий ўқув юртларида талабаларнинг экологик маданиятини шакллантириш ҳамда юксалтириш учун, фикримизча, экологик таълим ва тарбиянинг яхлит тизимли жараёнидан ташқари умумназарий даражада алоҳида фанни ўқитиш зарурияти вужудга келди. Табиат тўғрисида умумий тасаввур берувчи бу фанлар экологик дунёқарашни қарор топтириш, барча табиий ва ижтимоий ҳодисаларнинг узвий ўзаро алоқасини очиб бериш имкониятига эга. Шу мунособат билан қайд этиш лозимки, шахс экологик дунёқарашини шакллантиришда академик лицей, касб ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларида ўқитиладиган ижтимоий-гуманитар фанлар ҳам алоҳида роль ўйнайди.

Шунинг учун ҳам, мамлакатимизда барқарор экологик вазиятни, табиий атроф-муҳит мусаффолигини сақлаш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг муҳим субъектив омили бўлган шахс экологик маданиятини янада юксалтиришга эътибор қаратилмоқда.

Экологик муаммоларни келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилиш, экологик тангликни баргараф этиш масалаларини тадқиқ қилиш жаҳон илмий-педагогик ва фалсафий жамоатчилиги эътиборини доимий равишда жалб этиб келади. Хусусан, хориж олимлари Ж.Сессион – инсониятнинг табиий жараёнларга аралашшининг фалсафий моҳиятини, Б.Коммонер – замонавий технология ва мулкчиликнинг табиат бойликларига зарар етказиши масаласини, А.Печчеи инсоннинг ҳақиқий гуманист, замонавий киши бўлиши учун табиатни муҳофаза қилиши зарурлигини, А.Швейцер «экологик этика» муаммосини, А.Нисс «радикал экологизм» тушунчасини, А.Урсул – экологик муаммоларнинг хавфсизлик ва барқарорликка боғлиқлигини илмий асослаган. Фанга этноэкология (юнонча *ethnos* – халқ, *oikos* – уй, бошпана, *logos* – сўз, таълимот) атамасини киритган. Г.Конклин (1954), И.И.Крупник (1989), Р.Ф.Итс (1991), И.Жабборов (2008) ҳамда Р.Баллиева (2003) каби жамиятшунос олимлар этноэкологияга кенг маънода турли этносларнинг табиат билан ўзаро алоқасини, ундан фойдаланишдаги анъанавий маданиятни ўрганувчи, чуқур предметларо асосга эга бўлган илмий йўналиш сифатида қарайдилар [6].

МДХ мамлакатлари файласуф олимларидан Н.Абаев, К.Герасимова, А.Железнов кабилар халқ экологик маданияти ва анъаналарини, Н.Моисеев «экологик императив» ғоясини, А.Сычев – инсон табиатга маънавий масъуллигининг тарихий трансформациясини, В.Волченко – XXI аср дунёқараши ва экоэтикаси шаклланишида фан, фалсафа ҳамда дин алоқадорлигини, А.Абузаид – этиканинг экологик функцияларини, К.Ермилов – техноген цивилизация экологиясига оид турли йўналишларда тадқиқот олиб борганлар. Улардан Д.Калабухов[7] - экологик маданиятнинг маданий-антропологик асосларини ва уни ҳаётга татбиқ этишнинг шарт-шароитлари масаласини тадқиқ қилган.

Экологик маданиятнинг методологик, ижтимоий-педагогик, фалсафий-педагогик, маданий-ахлоқий масалалари А.К.Айматов[8], Т. Қўйлиев [9], С.Давлетов, Х.А.Джуракулов, Б.Н.Омонов, М.Примов, С.С.Сангинов, А.Т.Қулдошев, Н.Х.Ҳакимов кабиларнинг тадқиқот ишларида ўз аксини топган [10].

Экологик маданият бўлажак мутахассиснинг табиатга оқилона муносабатда бўлишининг ривожланиш даражасини кўрсатади ва аниқ ташкил этилган билимлилиқ симбиозини, табиий жараёнларни баҳолаш ва тартибга солиш, бу борадаги ҳар қандай вазифага ижодий ёндашиш ва аниқ йўналтирилган мақсадга мувофиқ равишда вазиятга кўра ҳаракат қилиб, ўз режасини амалга оширишни ифодалайди. Талабалар экологик маданияти табиатга эстетик ва аксиологик муносабатда бўлишни ҳам назарда тутди. Талабалар экологик маданиятининг асосий, бир-бирига боғлиқ тизимли таркибий қисмлари эҳтиёжга асосланган, когнитив, ташкилий-фаолиятга оид ва эргономик жиҳатларини тадқиқ этиш узликсиз жараён ҳисобланади. Шунингдек, талабаларнинг экологик маданият элементларига бўлган талабларини инобатга олган ҳолда, уларни тиклаш ва ривожлантиришга эътибор қаратиш, талабаларни улардан баҳраманд қилишда маданий муассасаларни кенг жалб қилиш, экологик таълим-тарбия ва тарғибот-ташвиқот олиб боришнинг институционал тизимини такомиллаштириш, уларни сифат жиҳатидан юқори босқичга чиқаришнинг замонавий жиҳатлари очиқ берилган.

«Табиат – инсон – жамият – маданият – цивилизация» тизимидаги ўзаро алоқаларни кузатиш экологик муаммоларни ҳам қамраб олишни ботинан тақозо этади. Экология муаммоларини эгаллаш замонавий мутахассис шахсининг, унинг фуқаролик фазилатларининг қарор топишида катта аҳамият касб этади, фаол ҳаётий позициянинг вужудга келишига кўмаклашади [11].

Техника олий ўқув юртларидаги махсус фанлар ўқитувчилари техника бўйича касбни эгаллайдиган бўлажак мутахассисларининг экологик тайёрлиги учун алоҳида масъулиятга эгадирлар. Бугунги кунда содир бўлиб турган экологик катаклизмларнинг амалда барчаси техноген омилларга боғлиқ[12]. Олий таълимдаги ислохатлар жараёнида техника олий ўқув юртлари дастурларига соҳа экологияси бўйича махсус курслар киритилди ва уларда тегишли касблардаги фаолиятнинг экологик тавсифлари тўғрисида сўз юритилади[13]. Айни пайтда мамлакатимизда қабул қилинган миллий таълим дастури малакали кадрлар тайёрлашга йўналтирилган ҳамдахалқароталабларга жавоб беради. Бироқ ёшларда юксакэкологик маданиятнишакллантириш мезонлари талабларига муайян даражада жавоб бермайди. Тадқиқотчи Х.Т.Турсунов, Т.У.Рахимова томонидан чоп қилинган “Экология” ўқув қўлланмасида экологиянинг маънавий-ахлоқий масалалари эътибордан четда қолган. Ўқув қўлланмада экологик хавфсизлик ва барқарор тараққиётнинг ҳукукий, ташкилий ва

иқтисодий асослари батафсил ёритилгани ҳолда, экологик маданиятнинг энг асосий компоненти бўлган экологик ахлоқ масалалари режага киритилмаган [14]. Бунда экологик муаммо асосий фанлар доирасидан ташқарида қолиб кетмоқда. Махсус фанларга экологик муаммоларни бевосита сингдириш мақсадида бу фанларга ажратилган академик вақтни кўпайтириш мақсадга мувофиқ. Бундай ёндашув техник ихтисоснинг экология билан узвий алоқасини нисбатан тўлароқ очиш ҳамда экологик билим ва кўникмаларни касбий малаканинг муҳим қисмига айлантириш имконини берган бўларди.

Талабаларнинг экологик маданиятини шакллантириш барча фанларга дахлдордир. Маданиятнинг бир қисми бўлган дунёқараш оламни маънавий-амалий ўзлаштириш жараёнида шаклланади. Талаба ўқув дастурларида белгиланган билимлар йиғиндисини эгаллабгина қолмай, балки уларни мустақил тўлдириш эҳтиёжини ҳам эгаллаган, мустақил ишлаш кўникмаларини ҳам ўзлаштирган бўлсагина ўқитишдан кўзланган мақсадга эришилган деб ҳисоблаш мумкин. Талабалар илмий-тадқиқот иши мавзусига экологик муаммоларни киритиш мутахассиснинг экологик маданиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, ҳозирги даврда мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртларида, талабанинг экологик маданиятини шакллантириш ҳамда ривожлантириш бўйича ишларни мувофиқлаштириш учун, етакчи файласуф олимлар ҳамда фаол талабалар раҳбарлигида экологик марказлар очиш учун барча шароит мавжуд.

Олий ўқув юртлари талабаларининг экологик маданиятни шакллантириш ҳамда юксалтириш тизимли давом этадиган жараёндир. Олий ўқув юрти битирувчиси умумий ва хусусий тартибдаги экологик билим бўйича илмий асосланган ахборотларга, экологик онгни шакллантириш ва юксалтириш билан боғлиқ асосий дунёқараш принципларини ўзлаштиради, бу йўналишда мустақил фаолият юритиш кўникмаларига эга бўлади. Шахс маънавий маданиятининг экологик таркиби инсоннинг бутун ҳаёти давомида ривожланиб боради. Ушбу жараён тизимлашишининг асосий йўналиши инсоннинг меҳнат ва турмуш муносабатларида намоён бўлади.

Олий малакали мутахассис экологик муаммолар бўйича фикрлаш услубига эга бўлиши лозим. Бундай ижтимоий талабанинг ўз ижодий, интеллектуал имкониятини:

- мустақил ижодий ишлари, фаолияти объектини атроф муҳит билан экологик алоқада кўриш;
- ўз фаолияти натижаси келтириши мумкин бўлган экологик оқибатларни эмпирик усуллар асосида кузатиш;
- фаолиятининг таъсир объектларини экологик вазиятни такомиллаштирадиган, юмшатадиган ёки, атроф муҳитга етказиладиган зарарни энг кам даражага туширадиган тарзда ўзгартириш сингари қоидаларга бўйсундириш лозимлигини билдиради.

Бу қоидалар иш натижаларига қўйилган шунчаки жорий талаб бўлиб қолмаслиги лозим. Улар мутахассис учун табиий ресурслардан самарасизфойдаланишга қаршибўлган ахлоқий нормаларга айланиши керак. Бунда биринчидан, жамият олий маълумотли мутахассисни тайёрлаб, юқори малакали профессионалга эга бўлишгагина эмас, балки жамият умумм маданиятини, шу жумладан тизим сифатидаги умуминсоний маданиятнинг энг муҳим жиҳати – экологик маданиятни ҳам юқори даражада эгаллаган шахсга эга бўлиш назарда тутилади. Зеро, жамиятда шахс интеллектуал қобилиятига, рефлексив имкониятига асосланувчи ижтимоий-биологик индивидуалликни, табиий қобилиятларини назарий билим, амалий кўникма, маҳоратга айлантиришда тизимли фаолият олиб бориш амалий аҳамиятга эга. Жумладан, экологик таълим ва тарбия жараёни, унинг объекти инсон ботинидаги табиий ва ижтимоий алоқалар тизими, яъни унинг ички маънавий экологик дунёсини шакллантиришдир[15]. Шу маънода экологик таълим ва тарбия тизими экологик инкирозларнинг туб сабабларини жамиятнинг техник-технологик ривожланишида эмас, балки шахс маънавий инкирози билан боғлиқлигини таъкидлашдан иборат.

Иккинчидан, олий ўқув юртидаги инновацион жараён экологик муаммонинг ечимига йўналтирилиши, шахс умумдунёқараш тайёргарлигига асосий ўрин ажратилиши лозим. Олий ўқув юртлари ўқув дастурлари табиат ва жамият мунсوباتлари предметини яхлит, тизимли кўришни, экологик маданиятни, яъни атроф муҳитга рационал мунособатда бўлиш маданиятини шакллантиришга йўналтирилиши ҳамда талабаларнинг бўлажак касби билан ўзаро боғлиқлик, яъни муайян экологик тайёргарликни таъминлаши зарур.

Учинчидан, экология муаммоларини тизимли англашни шакллантириш гуманитар ва жамиятшунослик фанлари вазифасига киради. Чунки экологик маданиятни шакллантириш барча ижтимоий заруриятнинг узвий алоқасини очиб беришни тақоза қилади.

Тўртинчидан, махсус фанлар тизими ҳам экологик муаммоларни инсон шуурига бевосита сингдириш имкониятларидан фойдаланиши мақсадга мувофиқ. Бундай мустақил ёндашув, техника соҳасидаги фанларнинг экология билан узвий алоқасини кенгайтириш, ҳамда экологик билим ва кўникмаларни касбий малаканинг бир қисмига айлантириш имконини берарди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони. [http: lex.uz](http://lex.uz).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019 — 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2019 йил 4 октябрь, ПҚ-4477-сон Қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Турманистоннинг Туркманбоши шаҳрида бўлиб ўтган Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлисидаги нутқи. Халқ сўзи газетаси, 2018 йил 25 август, № 173 (7131).
4. Цивилизация. Экология. Человек. – Ташкент, 1998. С. 21–23.
5. Насруллин А., Лесник А. Аральское море: гидромониторинг бассейна // Экологический вестник. – 1999. – № 4. С. 11.
6. Sessions, G. (ed). Deep Ecology for the Twenty-first Century. Boston: Shambhala, 1995
7. Кулабухов Д..А. Экология культуры: культурно-антропологические аспекты. Дис . канд. филос. наук. –Белгород, 2007. – 148 с.
8. Айматов А. Шахс табиатга эстетик муносабатини шакллантиришда экологик онгнинг роли.(DSc) дисс..автореферати. Самарқанд: 2019. – 29 б.
9. Қўйлиев Т. Экологик маданиятнинг шаклланиш ва ривожланиш хусусиятлари. –Тошкент.:ТАҚИ, 2007
10. Ҳакимов Н.Ҳ.Инсон экологияси. Монография. Тошкент, Иқтисодиёт, 2021.Б.232.
11. Маликов Т.Т. Диалектика формирования активной жизненной позиции личности // Общественные науки в Узбекистане. – 1992. – № 2. – С. 12–17.
12. Мамашакиров С. Урбанизация экологии или экологизированная урбанизация. – Ташкент: Фан, 1991. С. 11–32.
13. Базаров Б. Образование и экологическая безопасность // Экологический вестник. – 1999. №4. С. 5.
14. Турсунов Х.Т., Рахимова Т.У. Экология. Ўқув қўлланма. –Тошкент: “Chinor ENK” экологикнашриёт компанияси. 2006.
15. Расулева Г. С позиций социобиологии. // Экологический вестник. Ташкент-1999. - № 5-6. - С. 31-33.
16. <https://kun.uz/news/2019/10/25/uzbekiston-2030-yilgacha-yashil-iqtisodiyotga-otishni-rejalashtirmoqda>
17. <https://lex.uz/docs/4574008> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида фармони.